

**“Комплаенс-назорат” – коррупцияга қарши ички назорат
tizими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Микрокредитбанк” АТБ (кейинги ўринларда – Банк) Бошқарувининг 2020 йил 21 августдаги 65-2-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Комплаенс-назорат хизмати – коррупцияга қарши ички назорат тизими (кейинги ўринларда – Хизмат) фаолиятини тартибга солиди.

2. Хизмат мустақил таркибий бўлинма ҳисобланиб, бевосита Бошқарув раисига бўйсунди.

3. Хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Марказий банкнинг тартибга солишга доир ҳужжатлари, Банкнинг таъсис ҳужжатлари, “Микрокредитбанк” АТБнинг коррупцияга қарши сиёсати” ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

2-боб. Хизматнинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Хизмат Банкда коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизимини ташкил этиш учун тузилган.

5. Хизматнинг асосий вазифалари:

а) умумий вазифалар:

комплаенс-хатарларни, яъни Банкнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Марказий банкнинг тартибга солишга доир ҳужжатларига, Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига, шунингдек халқаро стандартларга ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда банк фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатларга риоя қилмаслик оқибатида зарарнинг ҳамда зарарга олиб келувчи обрў йўқотишларнинг вужудга келиш хатарларини таҳлил қилиш;

Банк ва унинг ходимлари фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилиш, аниқлаш ва минималлаштириш;

Банк таркибий бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятини

мувофиқлаштириш;

Банкнинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлар доирасини аниқлашда, тижорат сирига риоя қилинишини назорат қилишда, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Банк таркибий бўлинмалари ўртасида хизматга доир маълумот алмашинувига чекловлар қўйиш қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Банк ходимларининг коррупциявий қилмишлари бўйича Банка нисбатан шикоят ва эътирозлар, шу жумладан “ишонч телефонлари”, махсус электрон почта орқали келиб тушган шикоят ва эътирозларни мониторинг қилиш, шунингдек ўз ваколати доирасида бундай шикоят ва эътирозларга муносабат чораларини кўриш;

Банкнинг назорат органлари ва махсус ваколатли орган билан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлигида ўз ваколати доирасида иштирок этиш;

Банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида қонунчилик ва халқаро ҳужжатларни мониторинг ва таҳлил қилиш;

Банкнинг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда Банкда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича дастурлар, режалар ва “йўл хариталари”ни тайёрлаш;

Банк ходимларини танлаш, тайинлаш, малакасини ошириш, моддий рағбатлантиришда иштирок этиш;

б) молиявий комплаенс соҳасидаги вазифалар:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этиш;

Банк кредит сиёсатини мониторинг қилиш, ажратилаётган кредитлар ва уларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш;

Банк томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг қилиш;

мансаб суиистеъмолликлари ва коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

Банк томонидан молия бозорлари соҳасидаги лицензия ва бошқа регулятив талабларга риоя қилинишини мониторинг қилиш;

контрагентлар фаолияти Банкнинг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлиги бўйича контрагентлар ҳаракатларини мониторинг қилиш ва

молия бозорларидаги ноинсоф хатти-ҳаракатларга (инсайд, манипуляция ва бошқалар) қарши курашиш;

в) ҳуқуқий комплаенс соҳасидаги вазифалар:

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг бузилиши муносабати билан ички текширувларни ўтказишда иштирок этиш;

• Банкнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича норматив базасини (ички қоидалар, тартиб-таомиллар ва регламентлар)ни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

Банкнинг барча ички ҳужжатлари ва битимлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;

due diligence – контрагентларнинг юридик аудити тизимини жорий қилиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқий ва бошқа нормаларнинг бажарилиши устидан ички назоратни, шунингдек Банк харажатлари устидан назоратни амалга оширишда иштирок этиш;

Банк ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиш.

Хизмат қонун ҳужжатлари билан юкланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Хизмат фаолиятини ташкил этиш

6. Хизмат фаолиятини Бошқарув раиси буйруғи билан лавозимига тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган Хизмат раҳбари бошқаради.

Хизмат раҳбари ва ходимлари лавозимига номзодлар банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган тартиб асосида ташкил этилган ва фаолият юритадиган малака комиссияларида суҳбатдан ўтказилади.

Хизмат фаолиятини банк Бошқаруви раиси мувофиқлаштириб боради.

Хизмат таркибида унинг фаолиятини тўлақонли амалга ошириш учун зарур таркибий бўлинмалар ташкил этилади.

Банкнинг ҳудудий филиалларида комплаенс-назорат бўйича масъул шахслар Бошқарув қарори билан белгиланади.

Ҳудудий филиаллардаги комплаенс-назорат бўйича масъул шахслардан ушбу ваколатни олиб қўйиш ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаларини банк Бошқарувининг ёзма розилигисиз бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Банк тизимида Хизмат фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш ва унинг ваколати доирасидаги масалаларни тезкорлик билан ҳал этишга етарли бўлган миқдордаги штат бирликлари очилади.

Хизмат ходимлари ва ҳудудий филиаллардаги комплаенс-назорат учун масъул шахслар банк фаолияти ва ички назорат усуллари, ахборот тўплаш усуллари, уларни мансаб вазифаларини бажариш муносабати билан таҳлил қилиш ва баҳолаш тўғрисида етарли билимга эга бўлиши, шунингдек:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини;

давлат бошқарувини тартибга солувчи, банк фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий назорат, корпоратив бошқарув, меҳнат, давлат харидлари, ташқи савдо, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича, шунингдек, Хизмат томонидан назорат қилинадиган соҳаларга оид қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини;

Марказий банкнинг назорат ва тартибга солишга доир ҳужжатларини;

Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари фаолиятини тартибга солишга ва бошқаришга тааллуқли ҳамда Хизматнинг функцияларига алоқадор бўлган Банкнинг таъсис ва норматив ҳужжатларини;

банк фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларни;

маъмурий ва жиноий қонунчиликни татбиқ қилиш, криминоген ҳолатларни таҳлил қилиш соҳасида амалий-назарий кўникма ва билимларга эга бўлиши, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг жиноий ва маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини, Олий суд Пленуми ва Раёсатининг қарорларини, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси қарорларини билиши керак.

7. Хизмат ўз фаолиятини доимий асосда мустақиллик ва холислик принципларига мувофиқ амалга оширади.

Хизмат ходимлари банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда қатнашмайди, Банк номидан тўлов (ҳисоб-китоб) ва бухгалтерия ҳужжатларини, шунингдек Банкнинг таваккалчилигини бошқарадиган ҳужжатларни имзоламайди ҳамда бундай ҳужжатларга виза қўймайди.

Хизмат ходимлари фаолиятига банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари ҳамда уларнинг ходимлари аралашувига йўл қўйилмайди.

8. Хизмат ўз фаолиятида фақатгина Бошқарув раисига ҳисобдордир.

9. Хизмат ўз фаолиятини Бошқарув раиси томонидан тасдиқланадиган йиллик иш режасига ҳамда Бошқарув раисининг топшириқларига мувофиқ амалга оширади.

Бошқарув раисининг ўринбосарлари томонидан Хизмат раҳбарига шуғулланиш учун топшириладиган вазифалар Бошқарув раиси билан олдиндан келишилиши шарт.

Агар мазкур шарт бажарилмаса, Хизмат раҳбари ушбу вазифаларни бажаришга киришишга ҳақли эмас.

10. Хизмат томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги йиллик ҳисобот Бошқарув раисига тақдим этилади.

Йиллик ҳисобот Хизматнинг комплаенс-назорат бўйича устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олади.

Хизматнинг амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисобот нусхалари тегишли сўровга биноан Банк Кузатув кенгашига, Банк Бошқарувига тақдим этилиши мумкин.

11. Хизмат ходимлари бажарадиган функцияларининг хусусиятига мос келадиган соҳа бўйича олий маълумотга, юқори даражадаги касбий малака ва тайёргарликка эга бўлиши лозим.

12. Хизмат ходимларини касбга тайёрлаш (қайта тайёрлаш) доимий асосда амалга оширилади.

13. Ўз вазифаларини амалга оширишда Хизмат:

Хизмат ваколатига кирувчи масалалар бўйича Банк ички ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Банк таркибий бўлинмалари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалалари бўйича тайёрланган Банкнинг ички ҳужжатлари лойиҳаларини келишади;

Банкнинг раҳбар органлари топшириғи билан Хизмат ваколатига кирадиган масалалар бўйича йиғилишлар тайёрланиши ва ташкил этилишини амалга оширади;

Банк ходимларининг малакасини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тадбирларда иштирок этади;

Банкда ўрнатилган талабларга мувофиқ иш юритишни ташкил қилади; жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

Хизмат ваколоти доирасида криминоген хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

Хизматнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳар қандай маълумотларни Банк таркибий бўлинмаларидан талаб қилиш ва олиш, шунингдек ҳужжатларни олиш ва архивларга киришга ҳақли;

аниқланган комплаенс хатарлар ҳақида Бошқарув раисини хабардор қилади;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг типологиясини (энг кенг тарқалган схемалари ва қилмишлари) комплаенс-хатарларни минимизация қилишга қаратилган чоралар кўриш учун Ички аудит ва Ичик назорат хизмати билан ўртоқлашади;

Банкда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Хизмат фаолиятини тартибга солувчи ёки Хизмат ваколатига кирувчи ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади;

Банк ички меъёрий ҳужжатлари лойиҳаларини Хизмат ваколатига оид қисми бўйича келишади.

14. Хизмат ўз фаолиятида Банкнинг комплаенс-хатарларини аниқлаш, идентификация ва таҳлил қилиш, баҳолаш, минималлаштириш, мониторинг ва назорат қилишнинг барча мавжуд (ҳам сифат, ҳам сон), шу жумладан қуйидаги усулларини қўллайди:

Марказий банк ва бошқа регуляторларнинг меъёрий ва тавсиявий ҳужжатлари;

таваккалчиликларни бошқариш (риск менежмент) бўйича халқаро ва/ёки миллий стандартлар;

комплаенс-хатарларни бошқариш бўйича энг яхши амалиёт.

Хизмат комплаенс-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чораларни қўллашда хатарларни бошқаришнинг қуйидаги асосий усулларида фойдаланилади:

хатарни қабул қилиш ва уни назорат қилиш;

хатардан қочиш;

хатарни камайтириш (минималлаштириш);

хатарни тақсимлаш (шу жумладан, суғурталаш).

Комплаенс-хатарларни аниқлаш, идентификация ва таҳлил қилиш, баҳолаш, минималлаштириш, мониторинг ва назорат қилиш Хизмат томонидан доимий асосда амалга оширилади.

Комплаенс-хатарларни аниқлаш, идентификация ва таҳлил қилиш, баҳолаш, минималлаштириш, мониторинг ва назорат қилишнинг аниқ бир усуллари қўллаш масаласи Хизмат раҳбари томонидан ҳал қилинади.

15. Хизмат ўз фаолиятида Банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Хизмат томонидан банк фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича Банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан комплаенс-хатарни бошқариш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби, шунингдек ахборот бериш ва биргаликда ҳаракат қилиш тартиби Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади.

Хизмат ходимлари Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Бошқарув раиси ёки ўринбосарларининг фармойиши билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ хизмат текширувларига жалб қилиниши мумкин.

16. Хизмат раҳбарининг функциялари ва мажбуриятлари:

а) Хизмат фаолиятини ташкил этиш;

б) Хизматнинг мазкур Низом билан белгиланган вазифа ва функциялари бажарилишини таъминлаш;

в) Хизмат ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишини ташкиллаштириш;

г) Хизмат томонидан аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва хатарлар билан боғлиқ фактлар бўйича маълумотлар базаси юритилишини таъминлаш;

д) Хизмат ходимларидан ўз функцияларини тўлақонли бажаришга тўсқинлик қиладиган барча ҳолатлар тўғрисида маълумот олиш, Бошқарув раисига Хизмат функцияларини бажарилишига тўсқинлик қиляётган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида ахборот бериш;

е) амалга оширилиши Банкка зарар келтириши мумкин бўлган комплаенс-хатарлар вужудга келганлиги, шунингдек аниқланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Бошқаруви раисини дарҳол хабардор қилиш;

ж) Хизмат фаолиятини ахборот ва моддий-техник таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

з) Хизмат ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш;

и) иш юритишнинг белгиланган тартибига мувофиқ Хизмат фаолиятига доир ҳужжатларни сақланишини ва бутлигини таъминлаш;

к) бошқа таркибий бўлинмалардан олинган ҳужжатларнинг бут ҳолатда сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

л) Бошқарув раисининг топшириғига биноан Хизмат ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича йиғилишларни тайёрлаш.

17. Хизмат бошлиғи ва ходимларига Хизмат ваколатларини амалга ошириш ва функцияларини тўлақонли бажаришларини таъминлаш учун зарур бўладиган:

банкнинг дастурий таъминотларига (iABS, давлат харидлари портали ва бошқалар);

маҳаллий ва хорижий веб-сайтларга чекловларсиз кириш;

комплаенс-назорат фаолияти бўйича хорижий регуляторларнинг порталларига уланиш ва улардан ахборот ва таҳлилий маълумотларни олиш, шу жумладан пуллик ахборот ва таҳлилий маълумотларни ҳамда хизматларни сотиб олиш;

контрагентларни лозим даражада ўрганиш учун мўлжалланган махсус маҳаллий ва хорижий порталларнинг пуллик хизматларидан фойдаланиб ахборот ва таҳлилий маълумотларни сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Банкнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошқа масъул таркибий бўлинмалар билан биргаликда Хизмат раҳбари ва ходимларига Хизматнинг банкнинг iABS дастурида модулларга кириб кўриш (доступ) имкониятлари улаб берилишини ва тегишли “роль” ясаб беради.

Хизмат ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳужжатлар ва архивлар, бошқа маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

18. Хизмат раҳбари ҳуқуқлари:

комплаенс-хатарларни бошқариш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар режасини Банк таркибий бўлинмаларига келишиш учун киритиш;

Банк томонидан коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш сифати, шунингдек Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги фактларини текшириш учун ташқи экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш тўғрисида Банк раҳбариятига таклифлар киритиш;

комплаенс-хатарни бошқариш бўйича камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳисоботлар топширилишини талаб қилиш, шунингдек бундай ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини ўрнатиш;

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан Хизмат ваколатига оид қисми бўйича тавсиялар ва хулосалар бериш;

ўз ваколати доирасида Хизматдан чиқувчи ҳужжатларни имзолаш;
бўйсунувдаги ходимлар Хизмат вазифаларини бажаришини, шунингдек,
бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этишни талаб қилиш.

19. Хизмат раҳбари қуйидагилар учун жавобгардир:

Хизмат зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни лозим даражада бажарилиши;

ўзига берилган ҳуқуқлардан тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланиш;
комплаенс-хатарлар бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиниши;

Хизмат ваколатига киритилган масалалар бўйича Банкнинг бошқарув
органларига сифатли ва ишончли ахборот ҳамда маълумотларни ўз вақтида
тақдим этиш;

Хизматнинг иш режаси бажарилишини таъминлаш;

меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши;

ходимлар лавозим йўриқномаларининг Хизмат тўғрисидаги низомга
мувофиқлигини таъминлаш;

Хизматда техника хавфсизлиги қоидаларига, меҳнатни муҳофаза қилиш
ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш;

Хизмат ходимлари томонидан давлат, хизмат, тижорат ва банк
сирларига риоя қилиниши;

Хизмат ходимлари малакасининг доимий равишда оширилишини
таъминлаш;

назорат қилувчи ва махсус ваколатли органлар билан, шунингдек
Банкнинг ички аудит ва ички назорат хизмати билан ўзаро ҳамкорлик
қилишни таъминлаш.

20. Хизмат раҳбари ўз вақтида Бошқарув раисига қуйидаги
ахборотларни бермаганлиги учун жавобгар бўлади:

комплаенс-хатарни бошқаришда Хизмат томонидан аниқланган
қоидабузарликлар тўғрисида;

амалга оширилиши Банкка зарар келтириши мумкин бўлган комплаенс-
хатарлар вужудга келганлиги тўғрисида.

21. Хизмат раҳбари, унинг айби билан Банкка етказилган зарар
учун, қонунда белгиланган тартибда моддий, интизомий ва бошқа тарзда
жавобгар бўлади.

22. Хизмат ходимлари ҳуқуқлари:

комплаенс-хатарларни бошқаришда содир этилиши мумкин бўлган
қоидабузарликлар бўйича хизмат текширувлари ўтказиш;

Банк ходимларидан комплаенс-хатарларни бошқаришдаги муаммолар ёки Банкнинг комплаенс-хатарларни бошқариш бўйича амалдаги ички тартб-тамойилларнинг бузилиши фактлари ҳақида маълумот олиш;

комплаенс-хатарларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун Банкнинг барча даражадаги раҳбарлари билан ҳамкорлик қилиш.

23. Хизмат ходимлари мажбуриятлари:

қонун ҳужжатлари, тижорат ва банк сирига риоя қилиш;

меҳнат ва ижро интизомига, Банк корпоратив этика кодексига риоя қилиш;

ўз функцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилишга олиб келаётган барча ҳолатлар тўғрисида Хизмат раҳбарини хабардор қилиш.

Хизмат ходимлари қонун ҳужжатлари ва Банк ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Хизмат ходимлари ўзларининг лавозим йўриқномаларида белгиланган вазифа ва мажбуриятларни бажарилмаганликлари учун жавобгар бўладилар.

4-боб. Фаолиятни назорат қилиш

24. Хизмат ўз фаолиятида Бошқарув раисига ҳисобдордир. Хизмат фаолияти устидан даврий назорат Банк Бошқаруви раиси томонидан Хизматнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари орқали амалга оширилади.

25. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Хизмат фаолияти коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, шунингдек Банкнинг ташқи аудиторлари томонидан текширилиши мумкин.

